

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИСТИКБОЛЛАРИ

Умарова Наргиза Холдаровна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7384870>

Қурилиш материаллари саноатининг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти унинг қурилиш мажмуаси учун хом ашё ва материаллар етказиб бериши билан чамбарчас боғлиқ. Аҳолини сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш орқали, импорт ҳажмини камайтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ички бозорда қурилиш материаллари нархининг ошиб кетишининг олдини олиш ва уларни арзонлаштириш соҳа ривожидан муҳим омил бўлмоқда.

Республикамиз мустақиллиги йилларида иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари қатори қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳам жадал ривожланди.

Янги Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноатини замонавий талаблар асосида ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг 2035 йилгача ривожланиш стратегияси концепциясига мувофиқ “Замонавий қурилиш стандартларини жорий қилиш асосида” қурилиш соҳасини, жумладан қурилиш материаллари саноатини ислоҳ этиш олдимизга қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда улкан аҳамият касб этади[1].

Республика қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кўп тармоқли саноатга эга. Қурилиш материаллари саноати - **уй-жой** қурилиши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа **қурилиш** соҳалари учун **қурилиш материаллари** ишлаб чиқарувчи **саноат**дир. У бир қанча тармоқларни ўз ичига олади. Цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ ёпқич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материал (плита)лар, норуда қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, оҳак, гипс, боғловчи материаллар ва улардан буюмлар, санитария-гигиена жиҳозлари, полимер хом ашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир-бетон конструкциялари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд [2].

Мамлакатимизда қурилишнинг “нони” ҳисобланган цемент саноати айниқса тез ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда республика ўзини цемент

билан таъминланмоқда. Бекобод, Қувасой, Ангрен, Навоий ва Оҳангаронда йирик цемент заводлари ишлаб турибди. Ўзбекистон цемент ишлаб чиқариш бўйича МДХ давлатлари орасида Россия, Украина ва Қозоғистондан кейин тўртинчи ўринда туради. Ангрен гилмоясини қайта ишлаш жараёнида ажратиб ташланадиган чиқинди асосида оқ цемент ишлаб чиқарилиши цемент ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий ютуқлардан бири ҳисобланади. Бу цемент арзонга тушади ва уни хоҳлаган рангга бўйаш мумкин.

Қурилиш материаллари саноатнинг кейинги йилларда тараққий этган тармоғи - йирик панелли уйсозлик деярли барча вилоят марказлари ва катта шаҳарларда мавжуд. Булардан энг йириклари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Қарши, Нукус шаҳарларида жойлашган. Тошкент, Бектемир, Жиззах ва бошқа жойларда йирик темир-бетон ариқ (лоток) заводи бор.

Маълумки, ҳозирги замон қурилишида хилма-хил мақсадларда фойдаланиладиган маҳсулотлардан бири ойнадир. Ҳозирча дераза ойнаси ишлаб чиқарадиган заводлар Чирчиқд, Ғазалкентда ва Қувасойда мавжуд. Бу заводлар Республиканинг дераза ойналарига бўлган талабни қондирмоқда. Республикада қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг олдида кўрғазмалар учун безак ойналари ва кўплаб бошқа қурилиш ойналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифаси турибди. Қувасойдаги шиша идиш заводи шиша буюмлар билан бирга қурилиш мақсадларида ишлатиладиган ойна блоклар, ойна-керамикалар сингари маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шиша идишлар заводи яқинда Жиззахда ишга тушди, шундай заводлар Сурхондарё ва қўйи Амударёда ҳам қурилмоқда.

Қурилиш материалларидан энг қадимгиси ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани ғишт саноатидир, у тобора кенгайиб бормоқда. Маълум давргача қурилишда темир-бетон конструкцияларидан кенг фойдаланиши, йирик панелли уйсозликнинг ривож топиши муносабати билан ғишт саноатининг аҳамияти бирмунча камайган эди. Лекин, кейинги йилларда ғишт саноатини оқилона жойлаштиришда анча ишлар қилинди. Жумладан, Қизилтепа (Навоий вилояти), Шарқун (Сурхондарё вилояти) ва Қаршида йирик ғишт заводлари қурилди. Бу орқали узоқ масофаларга ғишт ташишга барҳам берилди[5].

Сўнги йилларда республикамизда қурилишнинг етакчи технологиялари талабларига ва халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий қурилиш ҳамда пардозлаш материалларининг янги

турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, турли гипсокартон плиталари, қуруқ аралашмалар, замонавий том усти материаллари, иссиқликка чидамли полимер қувурлари, керамика плиткалари, “сендвич” панеллари, базалт толалари ва арматура, иссиқлик ўтказмайдиған материаллар ва бошқалар шулар жумласидандир[5].

Шуни таъкидлаш керакки, қурилиш материалларига бўлган талаб нафақат маҳаллий балки жаҳон бозорларида ҳам кун сайин ўсиб борапти. Ушбу юқори ички талабга мос равишда юртимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди. Бундан ташқари қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида, мазкур соҳада йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

2021 йилда тасдиқланган Инвестиция дастурига асосан қурилиш материаллари соҳасида умумий қиймати 2 130,0 млн.долларлик 790 та йирик истиқболли лойиҳалар бўйича 1 701,1 млн. доллар ўзлаштирилди. Бундан ташқари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида қурилиш соҳасидаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг кенгайганлиги ва очиқ сиёсат олиб борилаётганлиги, валюта бозори либераллаштирилганлиги, маҳаллий ва хорижий инвесторларга кенг йўл очилганлиги, бир қанча имтиёзлар ва шароитлар яратилиб, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги ҳамда банк сектори ривожланиб, имтиёзли кредитлар кўпайганлиги сабабли қурилиш материаллари соҳасида кейинги йилларда катта силжишлар бўлди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларига бўлган талаб нафақат маҳаллий балки, жаҳон бозорларида ҳам ўсиб бормоқда. Айниқса, гипсокартон, иссиқлик сақловчи шиша момиғи, оҳак, керамик плиткалар, гипс каби маҳсулотлар экспорти йилдан-йилга ортмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2016 йилда 55,3 млн.долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 257 млн.долларга етказилди ва ўсиш 4,6 баробарни ташкил қилди. Хусусан, 2020 йилда 28,9 млн.долларлик цемент, 19 млн.долларлик алюмин, 14,2 млн.долларлик керамик плитка, 12,8 млн. долларлик қуруқ қурилиш аралашмалари, 7,7 млн. долларлик оҳак, 7,1 млн. долларлик гипсокартон, 3,5 млн.долларлик обой каби қурилиш материаллари экспорти амалга оширилди. 2021 йилда

270 млн. долларлик қурилиш материаллари жаҳон бозорига чиқарилди [3]. Шу билан бирга сифатли ва хавфсиз янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилда 340 та ва 2020 йилда 626 та халқаро стандартлар қабул қилинди.

Қурилиш материаллари саноати тармоғи кейинги ўн йилда иқтисодиётнинг “драйвер” соҳаларидан бир бўлиб қолади. Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Бир қатор тармоқлар билан биргаликда қурилиш материаллари саноати ва бошқа “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд. Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар қўрилиши лозим[6].

Умуман, кейинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш, қурилиш материаллари саноати корхоналари самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқ корхоналарида маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия тежамкор, инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳисобига таннархни пасайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қурилиш саноати корхоналарида “рақамли технологиялар”ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавfli жараёнларда автоматизация даражаси оширилмоқда. Соҳада янги йўналишлар ривожлантирилиб, бунга хорижий инвесторлар кенг жалб қилиниб, етакчи хорижий давлатлар қурилиш соҳасининг ривожланиш тенденциясидан келиб чиқиб, янги қурилиш материалларини ўзлаштириш ва соҳага инновацияни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегияси концепциясининг муҳокама учун материаллари, 2018 йил 29 декабрь, 197-б.
2. А.Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. Тошкент 2009 й. 49-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

4. И.Якубов ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт” 2016 й. 24 - б.
5. Э.Ҳайдарова. Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион фаолиятни бошқаришнинг хорижий давлатлар тажрибаси. Biznes-Эксперт. Иқтисодий илмий-амалий журнал. 2021 йил 11-12-сон. 103-105 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 29 декабрь.